# ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

## Депутат П. М. АБДУРАҲМОНОВ нутқи

### Тошкент область ижроия комитети раиси

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Бутун совет кишилари қатори Тошкент области меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари таъсири остида яшаб меҳнат қилмоқдалар. Бу қарорларда партиянинг съезддан кейинги ҳаёти ҳар томонлама талабчанлик билан таҳлил этилган, экономикани қайта қуриш жараёнини жадаллаштириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган.

1986—1990 йилларда республикани иқтисодий-социал ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилган давлат плани реал имкониятларга асосланган бўлиб, халқ хўжалигининг юксак суръатлар билан ва мутаносиб ривожланишини таъминлайди, инсон омилини бутун чоралар билан активлаштириш ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилгандир.

Тошкент области депутатлари бу муҳим ҳужжатни Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари киритган тузатишлар ва қўшимчалар билан тасдиқлашни таклиф этади.

Областимиз экономикаси олдида масъулиятли вазифалар турибди. План меҳнат унумдорлигини тезкор суръатлар билан оширган ҳолда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтириш суръатини анча жадаллаштиришни назарда тутади.

Ленинградликлар намунаси асосида интенсивлашнинг территориал-тармоқ программаси амалга оширилмоқда. У иқтисодий ва социал ривожланишнинг муҳим йўналишлари бўйича бир қанча аниқ мақсадли программани бирлаштиради. Фондлар самарадорлигини бир маромга солиш, айрим корхоналарда эса уни кўпайтириш, асбоб-ускуналарни сменаларда ишлатиш коэффициентини анча ошириш планлаштирилмоқда.

Катта маблағлар умумий ҳажмининг ярмини корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга йўналтириш назарда тутилмоқда.

«Узбекхиммаш» заводи машинасозларининг маҳсулот сифати учун кураш тажрибаларини қатъийлик билан оммалаштирамиз. Бу ерда маҳсулотнинг 62 проценти шарафли беш қиррали тамға билан чиқарилмоқда.

Область территориясида экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш амалда чеклангандир. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги бош йўл — интенсивлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир. Гўшт, сут, сабзавот ва мева етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш вазифаси турибди. Бироқ биз бу вазифаларни жуда жўн вазифа деб қараймиз. Чунки резервларимиз кўп.

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва Бекобод районидаги Ленин номли колхозларнинг чорвадорлари бир йилда сигирлардан ўртача 4 минг килограммдан ошириб сут соғиб олмоқдалар.

Бироқ шундай хўжаликлар ҳам борки, уларда сигирларнинг маҳсулдорлиги 2,5 минг килограммга ҳам етмайди. Экинларнинг ҳосилдорлигида ҳам ана шундай кескин фарқ бор. Бундай тафовутларни бартараф этиш бизнинг энг йирик режамиздир. Ярим йиллик халқ хўжалик плани асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарилган бўлсада, биз шундай қилишимиз керак.

Бироқ шу билан бирга докладда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари, бўлимлар ва бошқармалар ўз ишларини қайта қура олмадилар. Иқтисодий тармоқларда иш сифати ва самарадорлиги томон бурилиш сезилмади. Фондларнинг самарадорлиги, асбоб-ускуналарнинг сменаларда ишлатилиш коэффициенти ҳамон пастлигича қолаётир, меҳнат резервларининг анчагина қисми фойдали меҳнатга жалб этилмаган.

Тошкент шаҳрини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш топшириғини ҳам уддалай олмаяпмиз.

Корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётганлиги, ишлаб чиқаришда тартиб ва интизомнинг бузилаётганлиги, сабзавот ва меванинг кўплаб ўғирланаётганлиги, чайқовчилик, меҳнатсиз даромад ва шу каби бошқа масалалар областнинг барча депутатларини ташвишга солмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 20 июнда бўлиб ўтган мажлисида халқ депутатлари Советларининг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш юзасидан ролини кучайтириш ва масъулиятини ошириш тадбирлари маъқулланди. Янгича ишлашга қатъийлик билан ўрганиш, депутатларнинг, депутатлик группалари ва доимий комиссияларнинг активлигини ошириш, маҳаллий Советлар, корхона ва ташкилотларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш йўлини топиш зарурлиги таъкидланди. Министрлик ва идораларга биргаликдаги ишни анча яхшилаш тўғрисидаги аниқ таклифлар билан кириш лозим.

Аммо афсуски, маҳаллий Советларнинг таклиф ва ташаббуслари кўпинча тушунилмайди ва қўллаб-қувватланмайди. Орамизда ҳозирча қоғозбозлик, бюрократизм каби иш услуби устунлик қилаяпти.

Областда маиший хизмат ярим йиллик плани бажарилмади, аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш даражаси эса республиканинг ўртача кўрсаткичидан паст. Тўғри, бунинг учун биринчи галда маҳаллий Советларнинг ўзлари айбдор. Маиший хизмат корхоналарининг моддий техника базаси бўш, ўзлари чиқарган қарорларни бажаришда талабчанлик, қатъийлик етишмайди. Бироқ шу билан бирга маҳаллий Советлар министрликнинг ўзида марказлаштирилган корхоналарнинг тарқоқ тармоқларини бошқара олмайдилар.

Кадрлар, маблағ билан таъминлаш, моддий ресурсларни тақсимлаш, хизматни ташкил этиш, жойлаштириш, реконструкция ва ремонт қилиш каби юмушларнинг ҳаммаси республика махсус бирлашмасига берилган. Бу система амалда ўзини оқламади, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиши ва иш сифатининг пасайишига олиб келди, бошқарув аппаратида ишловчилар сони кўпайди. Район ва шаҳар бўғинларига иш камайди, область бўғини ходимлари эса иш йўқлигидан бекор қоляптилар.

Олмалиқ шаҳридаги маиший хизмат уйи ана шундай кераксиз марказлаштиришга яққол мисол бўла олади. Бу ердаги битта бинонинг ўзида 9 та бошлиқ ўтиради. Улар мавжуд тартиб ва инструкциялар бўйича бир-бирига боғланиб қолишди. Шуни таъкидлаш керакки, ижроком бир неча йил давомида бу масалани тегишли ташкилотлар олдига қўйиб келмоқда.

Областда республика министрлик ва идораларига қарашли 450 та автомобиль хўжалигида машиналар сони 10 тадан ошмайди. Уларни автомобиль хўжалиги, деб аташга тил ҳам бормайди. Бундай бўлинмаларни йириклаштириш масаласи ўтган йили ҳам қўйилди. Бироқ аҳвол ўзгаргани йўқ. Яқинда шу масалага яна қайтишга мажбур бўлдик. 50 тадан кам машинаси бўлган автохўжаликларни йил охиригача тугатишни мақсад қилиб қўйганмиз. «Облмолпром», «Облмясопром», «Облхлопкопром» каби жуда майда қурилиш ташкилотлари, норентабель хўжаликлар, ўйлаб чиқарилган бирлашмалар озми? Биз бу масалаларни министрлик ва идораларнинг иштирокисиз ҳал қила олмаймиз, албатта. Республика Министрлар Советининг бўлимлари ўз фаолиятида қатъийлик кўрсатишлари керак.

Областда соғлом турмуш тарзи учун бошланган кураш туфайли касса планини бажаришда маълум қийинчиликларга дуч келинмоқда. Аммо биз ҳисоблаб кўрсак, оборотга киритиш мумкин бўлган пул маблағлари резерви катта экан. Лекин уларни ишга сола олмаяпмиз. Масалан областдаги 10 та шаҳар ва районда аттракционлар ва болалар учун ўйинчоқ автоматлар йўқ. Наҳотки уларни қуриш қийин бўлса?

Областда турли идораларга қарашли 2 мингдан кўпроқ автобус бор. Агар буларнинг ҳар бирига йўлкира тўланадиган кассалар ўрнатилса, катта самара олиш мумкин. Агар квартираларни безаш, мебеллар ўрнатиш, гараж ва дала ҳовли қуриб бериш учун буюртмалар қабул қилинса, бу ҳам кассанинг кирим қисми планини бажаришга катта резерв бўлиб хизмат қилади. Бундай хизмат турларини санашда давом этиш мумкин. Аммо корхона раҳбарлари бу ишлар билан шуғулланишни таъқиқлаб қўйувчи юқори идора ва бош бошқармаларга, турли хил инструкцияларга ишора қиладилар.

Социал соҳа тармоқларининг тўхтовсиз ишлаши, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланиб, қуввати ошиши учун Советларга министрлик ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотларнинг планларига айрим ишларнинг жумладан, лойиҳа-конструкторлик ечимлар, турли хилдаги асбоб-ускуналарни, шу жумладан савдо, коммунал корхоналар учун ностандарт асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, маблағ ва бошқа ресурслар билан қай даражада таъминланганлигига қараб йиллик ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 1—2 процент миқдорида аҳолига хизмат кўрсатиш вазифасини юклаш ҳуқуқини бериш керак бўлади.

Яна бир жиддий муаммо. Ҳозир марказлаштирилган давлат капитал маблағлари турар-жой қурилишлари учун тегишли министрликларга тармоқ принципи асосида кўпроқ ажратилмоқда, оз қисми эса бевосита Советларга ажратилмоқда.

Бундай практика илгари яъни янги корхоналарни қуриш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилган, ишчи-кадрлар кўпроқ талаб қилинган даврда қўл келарди.

Ҳозир бундай тартибни тубдан ўзгартириш керак бўлади. Реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш корхонада иш билан банд бўлган ходимлар сонини камайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун капитал маблағларни социал масалаларни ҳал этиш учун маҳаллий Советларга олиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Агросаноат комплексида ҳам кўплаб муаммолар мавжуддир.

Республика Сув хўжалиги министрлиги корхоналари ўзларининг ерга бўлган муносабатларини ўзгартирмадилар. Паркент каналининг ўзлаштирилаётган зонасида ташкил этилган 6 та совхоз ёмон ишлаяпти. Қурилишга эса 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаб юборилди. Самара эса йўқ.

Бунинг асосий сабаби нокомплекс қуришдир. Турар-жой ва социал маданий объектлар қурилиши анча орқада қолмоқда. Беш йиллик учун план тузишда шуларни ҳисобга олишни сўраймиз.

Кеча республика партия активи йиғилишида республикадаги катта ўрмон хўжалигидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги ҳаққоний танқид қилинди. Бу бизнинг областимизга ҳам тааллуқли. Областимизда Ўрмон хўжалиги министрлигига қарашли 6 та хўжалик бор. Улардан яхши самара олинмаяпти. Қияликларда террасалар ҳосил қилиш, техника базасини мустаҳкамлаш ҳисобига мева, ёнғоқ ва данакли мева етиштиришни кескин кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Биз ишонамизки, министр ўртоқ Юсупов область ижроия комитети билан биргаликда бу масалани атрофлича кўриб чиқади ва ҳал этади.

Республиканинг халқ хўжалик комплекси жуда кенгдир. У маълум инерция кучига эга ва шу инерцияни интенсивлаш йўлига кескин буриб юбориш мураккаб масаладир. Бироқ муҳими бизнинг бу масалани ҳал қила олишимизга ишонч пайдо бўлди. Бу ишонч партия XXVII съезди қарорлари талаб қилаётгандек, ишлаш иштиёқига асослангандир.

Пойтахт области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларини янада оширадилар!

## Депутат И. Х. МУСИН нутқи

### «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ўртоқлар! СССР Олий Советининг бешинчи сессияси КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган СССРни 1986—1990 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини тасдиқлади.

Фан-техника тараққиётини кескин жадаллаштириш, техниканинг янги авлодини, тубдан янги, ресурсларни тежовчи технологияни кенг жорий этиш халқ хўжалигини интенсивлашнинг бош омили сифатида олға сурилди.

Раҳбарликнинг барча босқичларида миқдор кўрсаткичларидан сифат ва самарадорликка, барча ишни пировард натижаларига қараб баҳолашга ўтиш зарурлигига алоҳида эътибор бериляпти.

Партиянинг стратегик программаси бизнинг бирлашмамиз коллективи фаолиятининг ўн иккинчи беш йилликдаги бутун ривожланиш йўлини ҳам белгилаб беради.

Ўтган беш йилликда қўлга киритилган маълум ютуқларни қайд этиб, қилинган ишларни партия XXVII съезди талаблари асосида баҳолаб, шуни тан олиш керакки, зарур техник тараққиёт йўқлиги, эскирган технология бизнинг хўжалик фаолиятимизнинг барча томонларига салбий таъсир кўрсатяпти.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси айниқса қаноатлантирмайди — қўл меҳнати салмоғи ҳамон юқори ва умумий иш ҳажмида 27,8 процентни ташкил этади. Универсал ускуналар салмоғи 45 процентни, ўн йилдан ортиқ вақтдан бери ишлатилаётган ускуналар миқдори 30 процентни ташкил этади.

Бирлашма раҳбарлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўн иккинчи беш йиллик тадбирларини ишлаб чиқишди. Биринчи навбатда ускуналарнинг сменали иш коэффициентини 1,65 дан 1,69 га етказиш кўзда тутилди. Яъни ҳар бир цехнинг икки ва уч сменада тўла ишлашига ўтилади, қимматбаҳо махсус ускуналар ва рақамли программа билан бошқариладиган станоклар бутун сутка мобайнидаги иш режимига ўтказилади.

Бирлашма коллективи партиянинг яратувчилик истиқбол планларини бутун қалби билан қабул қилиб, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан, ишлаб чиқаришни ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги учун янги, юксак унумли машиналар етказиб беришга тайёрлаш бўйича зўр бериб ишлаяпти.

Бирлашма мутахассислари томонидан 100 от кучли тракторнинг ўткинчи варианти конструкцияси ишлаб чиқилди. Бу тракторларнинг намуналари тайёрланиб, СССР Давлат агропромининг Ўрта Осиё машина-синаш станцияси (САМИС)га синов учун берилди.

Тракторга техник даражаси юқори бўлган узеллар, 100 от кучи қувватига эга бўлган двигатель, герметик кабина, руль бошқарувида гидростатик привод ва бошқа янгиликлар жорий этилган. Булар тракторнинг ишлаш имкониятларини 6 минг мотосоатдан 8 минг мотосоатга оширади. 1986 йил мавсумида бу тракторлар туркумидан 50 та тайёрлаш ва жойларда кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтказишга қарор қилинди.

Натижалар ижобий бўлса 1987 йилда йирик туркумда тайёрланади, кейин эса Тошкент мотор заводида қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобга олиниб, ишлаб чиқариш қайта ташкил этилади.

Бирлашмага ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ўзгартириш учун ишлаб чиқаришни анчагина қайта қуриш лозим бўлади. Махсус технологик ускуналар ишлаб чиқариш 2,5 баравар ортади. Ўз станоксозлик ишлаб чиқаришимиз яратилди ва товар маҳсулоти бера бошлади. Йилига 6,4 миллион сўмлик асбоблар ва мосламалар ишлаб чиқарилади, бунда совуқ штамплар ишлаб чиқариш 2,7 баравар, асбоблар ишлаб чиқариш 2,5 баравар ортади.

Рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, автоматик ва поток-механизациялашган линиялар, қулай ишлаб чиқариш системалари ва роботлаштирилган комплекслар ҳисобига станоклар парки анча янгиланади.

Тадбирларда 1989—1990 йилларда конструкторлик ва технологик йўналишдаги автоматлашган системаларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу конструктор ва технологларнинг меҳнат унумдорлигини 25—30 процент оширади. Сифатнинг олий категориясидаги маҳсулот салмоғи 60 процентга етказилади.

Ўн иккинчи беш йилликда бирлашма ходимларининг маиший шароитини яхшилашга катта эътибор берилади. Турар жой қурилишига 18 миллион сўм ажратилди, болалар муассасалари, пионер лагери, Чорвоқда ва Ғалаба районида дам олиш зонаси, ёрдамчи хўжалик, маиший уй ва бошқа маданий-маиший мақсадлардаги объектлар қурилади.

Ҳар бир иш жойи юксак малакали кадрлар билан таъминланган шароитдагина бирлашмада истиқбол учун белгиланган катта планлар ҳаётга тадбиқ этилиши мумкин. Шуни очиқ тан олиш керакки, ишлаб чиқаришнинг айрим участкаларида ишчилар ва айниқса ўрта бўғиндаги инженер-техник ходимларнинг касб тайёргарлиги шу кун талабларига жавоб бермайди. Андижон областининг Ленинск шаҳридаги прицеплар заводи, гарчи бу ерда ишчилар миқдори пландагидан анча ортиқ, қувватлар ҳам, янги техника ҳам етарли бўлишига қарамай жуда ёмон ишлаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига жиддий эътирозлар борлиги шу сабаб билан изоҳланади.

Яна шуни тан олиш керакки, ҳатто инженер-техник ходимларнинг, аслида қўлига техника тараққиёти тақдири бериб қўйилган, конструктор ва технологлар каби тоифасидан ҳам анчагина қисми маҳорат чўққиларини эгаллашмаган. Шу сабабли объектни бунёд этишнинг дастлабки давридаёқ биз энг яхши жаҳон намуналаридан ортда қоламиз.

Бир қатор сабаблар оқибатида бундай аҳвол фақат бизнинг бирлашмамиздагина юзага келиб қолгани йўқ. Биз бу жиддий нуқсонларни фақатгина корхоналарда эмас, балки олий ўқув юртларида ҳам мутахассисларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини ошириш ҳисобига дарҳол ва энг қисқа муддатларда бартараф этишимиз керак.

Корхонанинг етакчи техник бўлимларини кадрлар билан мустаҳкамлаш студент курсиларидаги талантли ёшларни, мутахассис инженерларни танлаб олиш ҳисобига амалга оширилиши керак. Бу ишни маълум шартномалар асосида мустаҳкамлаш зарур. Республика Госплани, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда олий ўқув юртлари бу ғояни қўллаб-қувватламоқлари зарур. Янги маҳсулотни ялпи ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш муддати ва ҳажми билан бевосита боғлиқ. Ўн иккинчи беш йилликда бош заводни кенгайтириш ва реконструкциялаш бўйича қурилиш-монтаж ишлари учун ажратилган маблағ 35 миллион сўмни ташкил этади. Бироқ СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги пудрат ишлари лимитини 17 миллион сўмга қисқартирди. Бу қуввати оширилган пахтачилик тракторлари учун қувватлар яратиш биринчи босқичини анча секинлаштириши мумкин.

Мана икки йилдирки, бирлашма гарчи ҳар йили қурилишга маблағ бераётган бўлса ҳам турар жой олмаяпти. 1986 йил бадалини ҳисобга олганда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети коллективимиздан 14 минг квадрат метр турар жой қарз бўлиб қолди.

Бирлашманинг инженерлик хизмати ўн иккинчи беш йилликда «одамсиз» технологияни жорий этишга қаратилган бир қатор тадбирларни белгилади. Бу тадбирлар амалга оширилгач ишчилар миқдори 1300 кишига камайишига қарамай, биринчи навбатда қуюв ишлаб чиқаришида янги қувватларнинг ишга туширилиши янги қўшимча ишчи кучларини жалб этишни тақозо этади. Мана шунинг учун ҳам турар жой қурилиши масаласи йилдан-йилга кескин бўлиб боряпти. Саноат майдонига туташ зоналарда турар жой қурилиши учун ер майдонлари йўқлиги ҳам масалани қийинлаштиряпти. Бирлашма ходимлари учун турар жой қурилишига мўлжалланган 16 гектарли ягона участкада Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қурилиш ишларини бошлаб юборди, бироқ уйларни бириктириш ҳақида қарор чиққани йўқ.

Тошкент қуюв заводининг биринчи навбати ишга туширилиши ишлаб чиқариш технология комплексини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Эндиликда янги пахтачилик тракторини яратишга қуймалар йўқлиги тўғаноқ бўлмаслиги керак.

Шу билан бирга бу заводнинг ишга туширилиши кадрлар масаласини тезроқ ҳал этишни тақозо этади. Барча бўғиндаги мутахассис-қуювчиларни — қуювчилар ва қолипловчилардан тортиб инженерларгача тайёрлаш зарур. Чунки завод Ватанимиздаги, шунингдек чет эллардаги микропроцессорли техникаси, автоматик линиялари бўлган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Мана шунинг учун ҳам бу масалани ҳал этишга Ўзбекистон ССР Давлат ҳунар-техника таълими комитети, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг эътиборини қаратамиз.

Ҳозирча биринчи қадам қўйилди — пландаги қувватнинг фақат ўндан бир қисми жорий этилди, лекин бу биринчи қадамни қўйиш жуда мушкул бўлди. Биз бундан кейинги кундалик ишларимизда ўтмиш сабоқларини унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда ҳамма проблемалар ҳал этилганича йўқ. Бирлашма ностандарт ускуналарни лойиҳалаш ва тайёрлашда орқада қоляпти. Таъминотчилар — станоксозлик саноати министрлиги корхоналари панд беришаяпти. Қурилиш министрлигининг, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг қурилиш-монтаж ташкилотлари технологик ускуналарни монтаж қилишда, ободонлаштириш ва пардозлаш ишларида, вентиляция системаси, автоматика воситаларини монтаж қилишда қолоқликка йўл қўйишди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи ярми ўтди. Тракторсозлар коллективи барча бўлинмалар фаолиятини йўл-йўлакай қайта қуриб техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлади. Планга қўшимча 1,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Қишлоқ хўжалигига техника етказиб бериш бўйича барча шартнома мажбуриятлари бажарилди.

Ҳозир коллектив бутун куч-ғайратини самарадорлик ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга қаратиб, зўр бериб меҳнат қилаяпти. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида таъкидланганидек: «Беш йилликнинг биринчи йили — барча меҳнат коллективлари иши учун синовдир, қайта қуриш амалда қандай бораётганлиги, унинг ғоялари нақадар чуқур идрок этилиб, қандай амалга оширилаётганлигининг имтиҳонидир».

Шунга ҳеч шак-шубҳа йўқки, Тошкент тракторсозлари коллективи партиянинг Мурожаатномасига тиғиз планлар ва социалистик мажбуриятларини амалда бажариш билан жавоб беради.

## Депутат Ҳ. К. КАМОЛОВ нутқи

### Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси

Депутат ўртоқлар! Тошкент шаҳри — мамлакатимизнинг энг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий марказларидан бири. Унда 200 га яқин йирик саноат корхонаси жойлашган бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган бутун саноат маҳсулотининг қарийб чорак қисми унинг улушига тўғри келади. КПСС XXVII съезди қарорлари, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ шаҳарда ишлаб турган қувватларни реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар хўжалиги кўп қиррали ва у илмий асосда ривожланиши ҳамда республикамиз пойтахти аҳолисининг фаровонлигини янада оширишга ёрдам бериши учун партия, совет, хўжалик органларининг катта эътибори ва куч-ғайрати талаб этилади.

Ушбу масалалар Тошкент шаҳрини социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган планларида ўз аксини топмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича бўлим планнинг махсус бўлими ҳисобланади.

Бир қатор йирик тадбирларнинг амалга оширилиши Тошкент ҳаво ҳавзасига зарарли моддаларнинг чиқарилишини анча камайтириш, атмосферанинг чанг, бошқа зарарли чиқиндилар билан ифлосланишини бирмунча камайтириш имконини берди. Саноатда айланма сув таъминоти ҳажми кўпайди. Фақат 1985 йил ва шу йилнинг уч ойи мобайнида 2,5 миллион сўмлик тадбирлар бажарилди.

Шунга қарамай, ушбу проблема ҳануз жиддий бўлиб турибди. Чунончи, 1985 йил маълумотларига кўра Тошкент шаҳрида атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг йиллик ўртача миқдори юқори бўлиб қолган.

Шаҳар, район халқ контроли комитетлари, шунингдек халқ контроли группалари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини қандай бажараётганлигини назорат этиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Белгиланган тартибнинг бузилишлари учун айбдор мансабдор шахслардан қонунга биноан талаб қилмоқдалар. Кейинги пайтда шаҳар халқ контроли комитетлари томонидан ушбу масала юзасидан 68 та текшириш ўтказилди, шаҳардаги 206 корхона ва ташкилот текширишга қамраб олинди, уларнинг кўплари икки қайта текширилди. Текшириш натижаларига кўра 139 мансабдор шахс жавобгарликка тортилди, улардан 12 кишига пул жарималари солинди.

Айни пайтда биз янги тозалаш иншоотлари ва бошқа объектларни қуриш, ишлаб турганларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш бўйича давлат планлари ва топшириқларининг бажарилишига, атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш бўйича топшириқлар бажарилишига эътиборни қаратдик.

Ошхона ва бошқа мебеллар заводида газларни заҳарли қўшилмалардан тозаловчи учта мослама қурилиши 1979 йилдан бери олиб борилмоқда. Ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилганига қарамай, бу йил фақат битта мослама фойдаланишга топшириш учун тайёрлаб қўйилди. Ушбу масала Сергели район Совети ижроия комитетида, икки марта район халқ контроли комитетида муҳокама этилди, район партия комитети пленуми ва бюросида қайта-қайта кўрсатиб ўтилди. Бироқ, завод бўйсунувчи республика Маҳаллий саноат министрлиги ва объектнинг бош пудратчиси ҳисобланувчи — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг тресті вужудга келган аҳволга кўникиб қолишган, ҳозирча ваъда ва ишонтиришлардан бошқа конкрет чоралар кўришмаяпти.

«Главташкентстрой» корхоналари атмосфера ҳавоси, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича топшириқларни мунтазам бажаришмаяпти. Бу ерда ҳар йили ушбу масалалар юзасидан анчагина буйруқлар чиқарилади, бироқ уларнинг ҳаммаси ижро интизоми бўшлиги сабабли бажарилмаяпти. Аҳвол шунгача бордики, оқава сувларни тозалаш, зарарли моддаларни тутиб қолиш ва зарарсизлантириш билан боғлиқ табиат муҳофазаси тадбирларининг бор-йўғи учдан бир қисми бажарилди, бунинг учун 1985 йилда ажратилган маблағларнинг фақат 27,7 проценти ўзлаштирилди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш бўйича давлат инспекцияси, шаҳар эпидемиология хизмати билан биргаликда ўтказилган рейдлар пайтида мингга яқин чанг тозалагич текширилди ва улардан 15 проценти носозлиги ёки самарасиз ишлаётгани аниқланди. Айниқса, «Узбексельмаш»да, ёғочни қайта ишлаш комбинатида, текшириш пайтида ҳар иккинчи мослама ишламаган, дурадгорлик буюмлари заводида, керамзит, «Ташсельмаш» заводларида, ҳар учинчи газ тозалаш мосламаси ишламаган, 2-дон маҳсулотлари комбинатида аҳвол қониқарсиздир.

Маълумки, атмосферага чиқарилаётган тозаланмаган моддаларнинг учдан икки қисмини автотранспортнинг чиқинди газлари ташкил этмоқда. «Тоза ҳаво» операцияси жараёнида 50 мингдан зиёд машина танлаб текширилди. Бунда шу нарса аниқландики, текширилган машиналарнинг 36 процентида чиқинди газ юқори экан.

Бу ташвишли ҳолга автотранспортларни газ ёқилғиси билан ишлашга ўтказиш билан барҳам бериш мумкин. Ҳозирги вақтда бизда мингга яқин юк машиналари, 400 та енгил такси ва 30 автобус газ ёқилғиси билан ишлаяпти. Бу рақамлар шаҳардаги автотранспортларнинг умумий сони билан таққослаганда жуда ҳам оздир.

Иккинчиси — бу шаҳар автохўжаликларининг ҳеч истисносиз ҳаммасида транспортнинг газ чиқиндилари устидан назоратни кучайтиришдир. Шаҳарнинг 180 автотранспорт хўжалигида ўтказилган текширишда — «Главташпассавтотранс», марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль тресті, «Главташкентстрой», соғлиқни сақлаш, агросаноат ва бошқа бир қатор ташкилотларда жиддий нуқсонлар аниқланди.

Автомобиль двигателларида ёқилғининг тўла ёнишининг зарур сифатини, бинобарин зарарли чиқиндиларнинг камайишини таъминлаш мақсадида ёқилғи олингандан сўнг бензин 5—6 кун ва дизель ёқилғиси 10 кун тиндириб қўйилиши керак. Бу йўл восита ҳам, мураккаб дастгоҳ ҳам талаб этмайди. Буни дахлдор кишиларнинг ҳаммаси яхши билишади, бироқ автомобилларни пешма-пеш заправка қилиш давом этиб келмоқда.

Бунга нефть маҳсулотлари давлат комитети раҳбариятининг эътиборини қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз ва Автомобиль транспорти министрлиги ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда бу масалани ҳал этишларини қатъий талаб этамиз.

Аввалгидек шаҳарда маиший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини, яъни атмосфера ҳавоси ифлосланишининг муайян манбаи бўлган чиқиндиларни элтиб ташлаш, қайта ишлаш ёки кўмиб ташлаш масаласи охиригача ҳал этилган эмас.

110 минг тонна лойиҳа қувватига эга бўлган маиший чиқиндилар заводи тўла қувват билан ишламаётир. Мавжуд тўртта биотермик барабандан ишда муттасил фақат иккитасидан фойдаланиляпти, холос. Иккита металл прессдан биттаси ишламаётир. Янги ўрнатилган майдалаш қурилмаси ишламасдан ётибди, уни созлаш ишлари жуда чўзилиб кетди. Биноларни капитал ремонт қилиш завод ишга туширилган 1978 йилдан буён ўтказилган эмас.

Яшил ниҳоллар ўтказиш атроф муҳитни соғломлаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Маълумки, бир гектар майдондаги яшил ниҳоллар бир соатда 80 килограмм ис газини ютади, яъни шу давр ичида 200 кишининг ис газини ютади.

Район Советлари ижроия комитетлари, министрлик ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, турар жой органлари кўкаламзорлаштиришнинг ролига етарли баҳо бермаётирлар. Турар жой массивларини, ишлаб чиқариш объектлари ва кўчаларни кўкаламзорлаштириш бўйича ишлар бўш олиб борилмоқда. Қурилиш чоғида яшил ниҳолларни ҳеч бир асоссиз суратда йўқ қилиб ташлашга йўл қўйилмоқда. Ниҳоллар сув йўқ қақроқ жойларга ўтказилмоқда. Оқибатда улар ўзини тутиб олмаяпти. Яшил ниҳолларни етарлича парвариш қилиш, уларни суғориш, ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларга қарши кураш етарлича таъминланмаяпти.

Менимча, бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Ахир, микрорайонларда кишилар яшайдилар, ветеранлар, Советларнинг депутатлари, маҳалла комитетлари, педагоглар бор — нега улар яшил ниҳоллар ташаббускорлари ва ҳимоячилари бўлмаётирлар. Кўчат ўтқазишни янги одатга айлантириш, турмуш тарзимизга киритиш, болаларда табиатга муҳаббат уйғотиш керак.

Республикада табиий муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат ва жамоат назоратини амалга оширадиган ўн бешга яқин турли органлар бор. Уларнинг иши кўпинча бир-бирини такрорлайди, текшириш планлари мувофиқлаштириб олинмайди. Чамаси, табиий муҳитни муҳофаза этиш бўйича ягона орган ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш пайти келди.

Атроф-муҳитни муҳофаза этишдаги нуқсонларга яна шунинг учун ҳам йўл қўйиляптики, шаҳар халқ контроли органлари бу масалалар устидан назоратни амалга оширишда ваколатли бўлган давлат назорати бошқа органлари сингари зарур қатъият кўрсатмаяпти, рўй берган аҳвол сабабларини жиддий таҳлил этмаяпти, айбдор лавозимли шахсларга тегишлича талабчанлик кўрсатмаяпти.

Биз аҳволни тузатиш учун барча чораларни кўрамиз. Шаҳар халқ контроли комитетлари ва группалари шу йил охиригача ўз коллективларида, районларда атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини ўрганадилар ва кўриб чиқадилар, жонажон шаҳримизнинг гўзал табиати чиройига-чирой қўшиш ва унинг гўзаллигини сақлаб қолиш учун кураш аҳволига принципиал баҳо берадилар.

# ТЕНГИ ЙЎҚ ЖАСОРАТ

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирганида бутун жаҳон аҳли нафас ютиб воқеалар ривожини кузатди: Совет Иттифоқи қарийб бутун Европани асоратга солган вермахт зарбасига дош бера оладими? Олдиндан сафарбар қилинган ва кенг кўламда жанговар тайёргарлик кўрган фашистлар армияси Европадаги урушда тажриба орттирган катта куч эди. Вермахтнинг 8,5 миллионлик армияси Қизил Армиядан шахсий состав жиҳатидан қарийб икки баробар, танклари жиҳатидан 1,5 баробар, самолётлар жиҳатидан уч мартадан кўпроқ устун эди.

Герман империализми қисқа вақт ичида, унча катта талафот бермай туриб 5 миллион квадрат километр территорияга, 290 миллион аҳолига эга бўлган бир қатор Европа давлатларини тиз чўктирганди. Бу ғалабалар немис халқининг кўпчилик қисмини шовинистик куйинди билан заҳарлаган ва улар Европадаги, шунингдек бошқа халқлар ҳам Германияга таслим бўлади, ҳеч қандай давлат вермахт зарбасига дош беролмайди деб ўйлардилар. Халқаро империализмнинг зарбдор кучи — фашистлар Германияси ҳукмрон доиралари ҳам шундай хомхаёл қилишди.

Бугунги кунда, 80-йиллар уфқидан ўша, бундан 45 йил муқаддам рўй берган воқеалар ривожига қаралса, душман устидан қозонилган Ғалабамиз бутун улуғворлиги билан тўла намоён бўлади. Ўша кун ҳанузгача бизнинг душманларимиз дилига раҳна солади.

Бу аламзадалар эндиликда иккинчи жаҳон урушини сохталаштириш, совет халқи ва унинг шавкатли қуролли кучларининг фашистлар Германиясини тор-мор қилишда, у томонидан асоратга солинган халқларни озодликка чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини камситишга уринмоқдалар. СССРга нисбатан турли бўҳтонлар қилишга, ҳатто фашизмни, қонхўр Гитлерни кўкларга кўтариб мақташдан ҳам қайтмаяптилар.

Бундан бир неча йил муқаддам «Нью-Йорк таймс» газетасининг ҳарбий шарҳловчиси Х. Болдуин иккинчи жаҳон уруши масалаларига тўхталиб, ўзи каби ашаддий антисоветчилар дилидаги гапларни ўртага тўкиб солган эди: «1941 йил 22 июнда демократия учун жуда қулай имконият туғилган эди. Биз уни қўлдан бой бердик».

Очиқдан-очиқ тан олиш! Океан ортидаги жаноблар ўша вақтда империализмнинг зарбдор кучи мағлубиятига кўз ёши қилиб, социализм дунёсини йўқотиш борасида бой берилган имкониятлар ҳақида баҳс юритишмоқда. Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто фашизм қурбонлари ҳам антисоветизм оғуси остида кўзга кўринмай қолди. Францияда чиқадиган баобрў буржуа ҳафталиги «Риверолъ» концлагерларда қатл этилган миллионлаб махбуслар хотирасини оёқ ости қилиб, гитлерчилар лагерларида ўлдирилган одамлар ҳақидаги маълумотларни «чўпчак»ка чиқарди. Парижда нашр қилинадиган «Экспресс» журнали эса газ камералари умуман бўлмаган, лагерларда фақат «битлар»ни ўлдиришган деб ёзди. Мана сизга буржуа ҳақиқати!

Маълум Освенцим, Майданек, Дахау, Маутхаузен, Бухенвальд каби концлагерларда азоб чеккан 18 миллион маҳбус қаердан келиб қолган эди? Бу лагерларда қатл этилган 11 миллион кишичи? Минглаб гувоҳлар, минглаб ҳужжат ва далиллар-чи?

Бутун дунёни концлагерга айлантиришни режалаган фашизм қабиҳликлари бундан 40 йил муқаддам бўлиб ўтган халқаро Нюрнберг процессида тўла-тўкис очиб ташланганни барчага аён. Шундай-ку-я, аммо тарихни ўзининг дастмоясига айлантириб олган жаноб буржуа қаламкашлари — бундан истисно. Ўз хўжайинлари буюртмасини бажараётган капитал дунёси маддоҳлари учун тарихнинг ўзи нима? У ҳам бир бизнес.

Буржуа ҳарбий мутахассислари ҳам маслакдошларидан сира қолишмайдилар. Улар совет ҳарбий санъати эришган ютуқларни менсимай фашистлар мағлубиятини «рус қиши» ёки бўлмаса Гитлернинг стратегик хатоларида кўришади. Ҳақиқатни ўрганиш ўрнига аламзада фашист генераллари хотираларидан хулоса чиқаришни афзал кўришади. Англияда нашр этилган «Зиддиятлар ҳаёти» китоби муаллифи Диана Мосли фашистлар «фюрери» Гитлерни очиқдан-очиқ мақтаган. Муаллифнинг ёзишича Гитлер қўй оғзидан чўп олмаган беозор «болажон, табиат шайдоси» бўлган эмиш. У «тарихий вазифани адо этган буюк стратег» эмиш.

Америкалик тадқиқотчи Дэвид Ирвинг ҳам Мосли хоним фикрига тўла қўшилган ҳолда Гитлерни буткул бегуноҳ қилиб кўрсатувчи «Гитлер уруши» китобини чоп этди. Инглиз фашистлари ҳам шу руҳда нашр қилган рисолада эса гитлерчилар Германияси даврида газ камералари бўлмаган, Дахау концлагерида қувноқ маҳбуслар яшаган деб ёзилади. Рисола муаллифлари безбетларча фашистларга ҳайрихоҳликларини билдириб уларнинг жиноятларини «қизиллар тўқиган афсона»

### ИДЕОЛОГИК КУРАШ ЖАБҲАЛАРИДА

деб аташди. Буржуа ташвиқотининг бундай уйдирмалари юзаки қараганда кулгили туюлсада, унинг таъсири сира бундай эмас. «Санди таймс» газетаси хабарига кўра Германия Федератив республикасида социологлар юқори синф ўқувчиларига «Гитлер ва нацизм» мавзусида иншо ёздиришган. Уч минг ўқувчидан қарийб ҳаммаси «Гитлер даврида тартиб бор эди, инфляция йўқ эди» деб ёзган. Фақат бир ўқувчи Гитлер 1933 йилда ҳокимият тепасига келганидан сўнг иккинчи жаҳон уруши бошлангани ва одамларни ялпи қирғин қилганини ёзибди. Бу ўқувчи иншо якунида Гитлер ва нацизм ҳақида мактабда ҳеч нарса тушунтирилмаганига ажабланганини билдирибди. Мосли хоним каби фашист маддоҳлари, Ирвинг каби буржуа мафкураси намояндалари ана шу ҳолатдан усталик билан фойдаланиб, ёшлар онгини заҳарлаш сабоқларини бераётганини у қаёқдан билсин?

Шу ўринда бундан қирқ йил муқаддам Нюрнберг процессида АҚШ бош қораловчиси Роберт Жексон халқаро ҳарбий трибуналга қарата айтган тарихий гапларини эсга олиш диққатга сазовор. «Бизнинг исбот-далилларимиз ғоят даҳшатлики, улар сизларнинг эс-ҳушингизни ўғирлайди. Худди уларнинг фаолияти жаҳон аҳлини ларзага солиб ҳар бир ақли расо кишини нацистлар Германиясига қарши қилди. Унинг қурбонлари фарёди бутун дунёга эшитилиб маърифат дунёсини даҳшатга солди. Зотан ўзим бутун уруш давомида бу даҳшатли ваҳшийликлар ҳақида ҳикояларга ишонқирамай гумонсираб юрганлардан бири эдим».

Қандай адолатли гаплар! Жексон минглаб ҳужжатларни ўқиб ўргангач шундай хулосага келган эди. Жексон вақти келиб бу гаплар, бу далиллар АҚШда унутилиб кетишини қайдан билсин! Ҳатто ўзининг сўзлари ҳам «қизиллар тўқиган афсона» бўлиб қолишини ҳам ўйламаган, албатта. Аммо манфур Гитлер ва унинг гумашталари мақсадларига эришолмади. Совет Армияси бунга йўл қўймади. У босқинчини ўз уясида тор-мор қилибгина қолмай, асоратга солинган Европани фашизм вабосидан ҳалос қилди ҳам.

Империализм маддоҳларининг фашизмни оқлаш ва Совет армияси ғалабаларини камситиш ва мамлакатимиз ташқи сиёсатига туҳмат ҳамда бўҳтонлар уюштиришда маълум мақсадлар яширингани ҳам сир эмас. Буржуа тадқиқотчилари АҚШ раҳнамо НАТО блокининг зўр бериб қуролланиш пойгасини авж олдиришига мафкуравий замин ҳозирлашмоқда. Шунинг учун ҳам улар гўё иккинчи жаҳон уруши арафасидаёқ совет ҳарбий хавфи мавжуд эди ва Гитлер уруши мудофаа характерида эди деб зўр бериб жамоатчиликни чалғитишга уринишмоқда. Шу мақсадда ҳар қандай воситадан, ҳатто ҳар қандай уйдирмалардан ҳам кенг фойдаланишаяпти. Улуғ Ватан урушининг ҳал қилувчи босқичи 1943 йил ёзида АҚШ Давлат департаменти ва ҳарбий министрлик кенгашида Пентагон вакили полковник Виклонк айтган фикрлар бу жиҳатдан эътиборга лойиқ:

— Бизга немислардан Германияни оккупация қилганимиздан сўнг сиёсатимизни ўтказишда ҳамда Америка мавқеини мустаҳкамлашда фойдаланишимиз мумкин бўлган кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган. Луғатимиздан фашист ва нацист деган сўзларни чиқариб ташлаш керак. Биз, американикларга Германия ва Европада тартиб ўрнатишимиз учун руҳимиз ва эътиқодимизга яқин кўплаб кадрлар зарур бўлади.

Пентагон вакилининг сўзларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. АҚШ ҳукмрон доираларининг урушдан кейинги фаолияти буни яққол тасдиқлади.

Қуролланиш пойгасини авж олдириш кампаниясини асослаш учун буржуа мафкурачилари Улуғ Ватан уруши тарихини сохталаштиришмоқда. Бу ҳаракат, айниқса, бир группа америка, инглиз ва француз муаллифлари яратган «Россиядаги фронт» китобида ўз ифодасини топди. Шу китобда ёзилишича, гўё Гитлер СССРга қарши урушга мажбур бўлган эмиш, чунки руслар Германияга таҳдид солган эмиш. Америкада нашр қилинган «Совет ҳарбий қудрати» деб номланган уйдирмада ҳам худди шундай ғоялар илгари сурилган. Бундан бир неча йил муқаддам АҚШ президенти Рейган ГФРга қилган сафарида СС жаллодлари қабристонига гулчамбар қўйгани ҳам гитлерчилар империализми билан АҚШ империализми ўртасидаги ғоявий ворисликни ва ўзаро мафкуравий муштаракликни намойиш қилди. Социализм дунёсидан куч устунлигига эришиш учун барча халқаро шартномаларни поймол этаётган АҚШ империализми бугунги кунда 30-йиллардаги Герман милитаристлари сиёсатини изчил давом эттираётганини бутун жаҳон афкор оммаси рўй-рост кўриб турибди.

Рейган маъмурияти ҳатто ўз сафларидаги вазиятга реал баҳо бераётган арбобларини фикрига ҳам қулоқ солмаяпти. Ҳозирда ҳам Пентагоннинг таниқли намоёндаси П. Уорнке «Форин полис» журналида «Биз эндиликда сиёсий қурол сифатида ҳарбий кучдан воз кечишимиз даркор» деб фикр билдирган эди. Лекин антисоветизм асиридаги АҚШ ҳукмрон доиралари ҳамон ҳарбий устунликка эришишга, шундан сўнг ундан сиёсий имтиёз сифатида фойдаланишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездидаги Сиёсий докладда таъкидлаб ўтганидек «Капитал дунёси гегемонизм идеологияси ва сиёсатидан воз кечгани йўқ, унинг ҳокимлари ҳамон социал ўч олишга умид боғламоқдалар, улар куч жиҳатидан устун бўлиб олиш тўғрисидаги хом хаёллар билан ўзларини ҳамон овунтирмоқдалар».

Бундан 45 йил муқаддам фашистлар Германияси куч устунлигига эришди ва мамлакатимизни тиз чўктиришга уринди. Оқибатда ўзи қазиган чоҳга ўзи қулади. Тарихий ҳақиқат сабоғини унутган АҚШ империализми бугунги кунда худди Гитлер каби куч устунлигига эришиб, мамлакатимизга ўз ҳукмини ўтказишни хом хаёл қилмоқда. Бу пуч хаёлдир!

**Ҳ. СОДИҚОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи шарҳловчиси.**

ИЛМ-ФАН: ИЗЛАНИШЛАР ВА КАШФИЁТЛАР

## МЎЪЖИЗАКОР ТИРОКСИН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биохимия институтининг олимлари киши организмида модда алмашинувига таъсир этувчи гармонлардан бири — тироксиннинг ҳосил бўлиши механизмини очдилар.

Олимлар тироксин синтези учун масъул бўлган оқсилга ультрагунафша нур берганларида унинг таркибига кирувчи аминокислоталар шуълалана бошлашини пайқадилар. Эндиликда одам ва ҳайвон қалқонсимон бези таркибига кирувчи оқсилнинг молекуляр структураси, унинг иш принципи худди экрандагидек яққол кўринди қолди. Оқсил тироксинни синтез қилиш учун организмга келувчи йодни илаштириши маълум бўлди.

Олимлар йод иштирокида спирулин сув кўкатини ўстираётиб, унинг озуқа қимматини ғоятда кўтариб юбордилар. 300 мингта товуғи бўлган паррандачилик фабрикасида ўтказилган экспериментлар хўракка шундай сув кўкатлари қўшилса, йилига тирик вазнда қўшимча 150 тонна гўшт ва 10 миллион донадан кўп тухум олишга имкон беришини кўрсатди.

**Л. СТРУННИКОВА.**
ЎзТАГ мухбири.

*Ем-хашак тайёрлаш «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

# ХУЛОСА ЧИҚАРМАБСИЗ-ДА!

ЯНГИЙЎЛ районида ҳозир 10 мингдан ортиқ қорамол ҳамда 17 минг бош қўй боқилмоқда. Илғор хўжаликларда моллар маҳсулдорлигини ошириш, қишлов учун мўл ва сифатли озуқа жамғариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Умуман бу йил районда жами 34 минг тонна дағал хашак тайёрланиши планлаштирилган. Ҳозиргача жамғарилган дағал озуқа 11 минг 775 тоннадан ошди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1068 тонна камдир.

— Бу йил 11900 тонна табиий ўт пичани тайёрлашни мўлжаллаган эдик, — дейди район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Абдуолим Исоқов. — Қурғоқчилик белгилаган режаларимизни амалга оширишни мушкуллаштириб юборди...

РАПО раисининг бу гапида жон бор. Ҳар йили район меҳнаткашлари асосан Келес массиви яйловларидан табиий ўт пичани тайёрлашарди. Бу йил эса чорвадорлар ана шу жойдаги қўй-қўзиларни ҳам суғориладиган майдонларда етиштирилган озуқа ҳисобига боқмоқдалар.

Лекин районда юз берган шароитга қўл қовуштириб қараб туришмаяпти. Ҳозир озуқа жамғариш ойлиги эълон қилинган. Колхоз аъзолари, совхозларнинг ишчилари, комсомол-ёшлардан иборат 1300 киши ариқ ва йўл чеккаларидан, боғлардан табиий ўт пичани ўриб-йиғиб олмоқдалар. Шу кунгача тайёрланган жами табиий пичан 1350 тоннадан ошди. Бундан ташқари 207 тонна ўт уни ҳам ишлаб чиқарилди.

— Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кам, — дейди А. Исоқов. — Шунинг учун ҳам бутун куч ва имкониятларимизни ишга солмоқдамиз. Бироқ шу ўринда бизга оталиқ ёрдами кўрсатаётган Янгийўл шаҳри меҳнаткашларининг ишидан кўнглимиз тўлмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳамма вақт ҳам ҳашарчилар тўлиқ куч билан ишламаяптилар, унумдорлик паст бўлмоқда.

Қишловга ем-хашак жамғаришнинг суст бораётганида айрим хўжаликларнинг ҳам айби катта, албатта. Районда жами 2972 гектар ерда эски ва янги беда бор. Биринчи ўримда беда пичани ҳосилдорлиги ўртача 38 центнерданга тўғри келди. Аммо «Партия XXI съезди»,

«Ленинизм» колхозида бўлганимизда, умуман чорвачиликнинг аҳволи билан қизиқдик. Хўжаликда ўтган қишлов ёмон ўтди. 1985 йилда давлатга сут сотиш плани бажарилмай қолди. Етиштирилган бир центнер сутнинг таннархи планда белгиланган 27 сўм 83 тийин ўрнига 32 сўм 39 тийинданга тушди. Умуман чорвачиликдан катта зарар кўрилди. Колхоз фермасида зооветеринария қоидаларининг қўпол равишда бузилиши туфайли молларнинг кўп қисми касалга чалинди, мажбуран

**РЕСПУБЛИКА РАДИОСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИ УЧУН ЭШИТТИРИШЛАР БОШ РЕДАКЦИЯСИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»-НИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ**

«СССР 60 йиллиги», «Ленинизм» ва Ленин номли колхозларда гектаридан атиги 24—34 центнердан ҳосил олинди, холос. Жамғарилган озуқанинг сифати ҳам яхши бўлмади.

Бу колхоз ва совхозларда ўтган йили ем-хашак танқис бўлган эди. Лекин юқоридаги хўжаликларнинг озуқачилик бригадалари аъзолари йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқармадилар. Экинларни ўз вақтида суғориш, озиқлантириш ишлари яна ўлда-жўлда қолди. Тадбирлар сифатсиз бажарилди. Биринчи ўрим жуда кечикиб ўтказилди. Ундан кейинги йўл қўйилган нуқсонлар иккинчи ўримга ҳам таъсир қилди, албатта. Ўрим-йиғим муддатлари яна чўзиб юборилди. Бу гал ҳосилдорлик 21-29 центнердан ошмади.

сўйиб юборилди. Бунинг оқибатида эса қорамоллар бош сони планда белгиланганидан анча камайиб кетди. Бу эса ўз навбатида колхозда сут етиштириш ва давлатга сотиш планларининг бажарилмай қолишига олиб келмоқда. Масалан, колхозда шу йилнинг 26 июнигача топширилган жами сут 294,4 тоннани ташкил этган, план эса 439,8 тонна эди.

Хўш, хўжаликда ўтган қишлов қониқарсиз якунланган экан, бундан хўжалик раҳбарлари, мутахассислар қандай хулоса чиқаришди? Навбатдаги қишловга тайёргарлик қандай аҳволда?

Колхоз сут-товар фермасида бўлганимизда, хўжалик раҳбарлари, мутахассислари билан суҳбатлашганимизда аҳвол ниҳоятда ташвишланарли эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Ғарамланаётган беда пичанининг сифати паст. Мутахассислар текширишдан сўнг учинчи класс, деб баҳо беришди.

Колхоз раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари Олим Тўлаганов эса зўр бериб бизга хашакни мақтади(!). Фермадаги палапартишлик, хўжасизлик шундоқ кўриниб турибди. Молларнинг охурига солинаётган кўк беданинг ярми тўкилиб, сочилиб кетяпти. Ваҳоланки, уларни ва нишхўрдларни йиғиштириб олиб АВМ агрегатида ўт уни тайёрлаш мумкин. Хўжаликда эса бу ҳақда ўйлашмайди...

Бу ерда бошқа камчиликлар ҳам кўп. Лекин чорвачилик мутахассисларининг парвойи фалак. Колхоз бош ҳисобчиси Эргаш Пирматов бизга ҳатто шу кунгача қанча озуқа тайёрланганлигини аниқ айтиб беролмади. О. Тўлаганов гап орасида бу ишлар билан ўтган йили унинг ўзи шуғулланганини, ҳамма ишлар жойида бўлганини айтди. Хўш, бу йил-чи? Қизиқ. Бошқа одам шуғулланса чорвачилик ишлари бўйича раис ўринбосари озуқа жамғаришнинг аҳволини, ҳисоб-китоб ишларининг қандай бораётганини назорат қилмас экан-да?!

Колхозда 2650 тонна дағал хашак жамғарилиши керак. Шу кунгача атиги 990 тонна дағал озуқа тайёрланган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 70 тонна камдир. Биз бу рақамларни район агросаноат бирлашмасида аниқлаб, билдик. Хўжаликда эса ҳисоб-китоб қилиб берувчи тайинли киши йўқ.

«СССР 60 йиллиги» колхозида ҳам сут етиштиришда ўтган йилги кўрсаткичлардан орқада қолинмоқда. Чорвачиликдан кўрилган зарар 20 минг сўмдан ошди. Айни пайтда қишловга озуқа жамғаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 385 тонна кам хашак тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида колхоз ва совхозлар, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари, агросаноат комплексининг барча бўғинлари нақадар яхши ишласа магазинлар ва бозорларнинг пештахталаридаги маҳсулотлар шу қадар мўл-кўл бўлиши, гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни аҳоли шу қадар кўпроқ олиши таъкидлаб ўтилган. Шундай экан Янгийўл райони хўжаликларида ҳам раҳбарларнинг, мутахассислар ва барча меҳнаткашларнинг ишга бўлган муносабатларини кескин ўзгартириш керак. Мақсад ўтган йилги йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни такрорламаслик, моллар маҳсулдорлигини ошириш учун зооветеринария қоидаларига қатъий амал қилиш, ердан, техникадан ва бошқа моддий ресурслардан унумли фойдаланиб, қишлов учун мўл ем-хашак базасини яратишдир.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**республика радиосининг Тошкент шаҳри ва области учун эшиттиришлар бош редакцияси редактори.**

**Қ. КАРИМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

«КОММУНИЗМ УЧУН» — «КОММУНИЗМ УШИН» ГАЗЕТАСИ 50 ЁШДА

# ДАВРГА ҲАМНАФАС БЎЛИБ

«Коммунизм учун» газетаси илгари фақат ўзбек тилида чиққан бўлса, ўн беш йилдирки, қозоқ тилида ҳам нашр этилаяпти. Шу боисдан газетхонлар сони кескин кўпайган. Бир галги тиражи 6 мингга етай деб қолди. Ҳолбуки 1936 йил ёзида газетанинг биринчи сони «Стахановчи» номи билан 500 нусхада тарқатилган эди. Дастлабки муҳаррирлар В. Мирзаев, А. Шокиров, Н. Ниёзов ва бошқа қаламкашлар газетани оммабоп минбарга, жанговар органга айлантириш йўлида кўп куч ва маҳорат сарф қилдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида газетанинг овози яна ҳам баланд янгради. «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун», деган шиор остида ватандошларимиз жасорати мадҳ этилди. Газетанинг 1944 йил 15 октябрь сони махсус саҳифаси ҳамқишлоғимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аблай Алимбетов ҳаётига бағишланди. У жанг майдонларида кўрсатган жасорати учун юксак унвонга сазовор бўлган эди.

Тинч қурилиш йилларида газета материалларининг тематикаси ва географияси яна ҳам кенгайди. Беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамқишлоқларимиз очерк ва лавҳаларнинг бош қаҳрамонлари бўлдилар. Мусобақа давомида туғилаётган ватанпарварлик ташаббуслари кенг ёйилди, тўпланган бой тажрибалар оммалаштирилди. Ўша кезларда туғилган яхши анъаналар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Меҳнаткашларни КПСС XXVII съезди қарорлари ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар этишда газета район партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераяпти. Редакция журналистлари ва барча жамоатчи активлар съезд ғояларини омма қалбига ва онгига сингдиришда, ишни янгича ташкил этиш самараларини тарғиб этишда фаол иштирок қилмоқдалар, камчиликларни муросасиз танқид остига олмоқдалар.

Кейинги йилларда газетанинг полиграфик ижроси яхшиланди. Босмахонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Редакцияда журналистика илмини пухта эгаллаган ижодкорлар кўпайди. Улардан беш нафари СССР Журналистлар союзининг аъзосидир.

Ишни қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни саҳифаларда ифодаланмоқда. «Жадаллаштириш—давр талаби», «Коммунист бўлишни хоҳлайман» «Нега индамайсиз?», «Ўз-ўзини бошқариш куни» каби мақолалар съезддан кейинги изланишлар самараси бўлди.

Газетанинг ярим асрлик юбилейи нишонланаётган шу дамларда биз бажарилган ишларни умумлаштириб, зиммага юкланган масъулият ортиб бораётганлигини ҳис этмоқдамиз. Съезд қарорларини амалга оширишда актив иштирок этиш, беш йиллик топшириқлари бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш жанговар вазифадир.

**П. НУРМЕТОВ,**
**Бўстонлиқ район «Коммунизм учун» — «Коммунизм ушин» газетаси редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

* * *

Газетанинг биринчи сони чиққан кунга 50 йил тўлиши муносабати билан бўлган йиғилишда район партия комитетининг секретари Л. А. Ряснова газетанинг шонли йўли ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшиттирилди ва редакцияга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Газета редактори П. Ш. Нурметовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, газетанинг штатсиз мухбири, Ойбек номли 30-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Рўзметов, редактор ўринбосари А. Р. Тошметовга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Бир группа редакция ходимлари ва босмахона ишчилари, штатсиз активлар область партия комитети ва область ижроия комитети ҳамда Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ишлари ва китоб савдоси давлат комитети, шунингдек, нашриёт, полиграфия ишлари ва китоб савдоси область бошқармаси Фахрий ёрлиқлари, турли қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирландилар.

## ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**НЬЮ-ЙОРК**

Қуролсизланиш юзасидан жаҳон конференциясини ўтказиш — қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш ва уни орқага буриб юбориш йўлидаги куч-ғайратларнинг муҳим бўғини бўлиб қолмоқда. БМТнинг қуролсизланиш бўйича жаҳон конференциясига тайёргарлик махсус комитетининг докладида шундай хулосага келинган. Комитетнинг навбатдаги сессияси халқаро ҳамжамият қароргоҳида очилди. Комитет аъзолари докладни муҳокама қилиб, маъқуллайдилар, шундан сўнг доклад БМТ Бош ассамблеяси 41-сессиясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Докладни муҳокама қилиш чоғида делегатлар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик ташаббуслари қуролсизланиш бўйича жаҳон конференциясида қурол-яроғларни кўпайтиришни тўхтатиш ҳамда ядро фалокатининг олдини олиш тўғрисида музокаралар учун яхши асос бўлиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

**ЛОНДОН**

Ташқи ишлар министри Жеффри Хаунинг ЖАРга шу ҳафтага мўлжалланган сафари қолдирилганлиги расмий равишда эълон қилинди. Бу визит Ғарбда «умумий бозор» мамлакатларининг қандайдир «сулҳпарварлик миссияси» сифатида кенг реклама қилинган эди. Бироқ, Жанубий Африканинг демократик жамоатчилиги, Африкадаги бир қанча мамлакатларнинг раҳбарлари министрнинг апартеид давлатига боришини навбатдаги сиёсий найранг, деб баҳоладилар.

Жанубий Африка миллий конгресси бош секретари Альфред Нзо айтганидек, Хаунинг преторияга келиши бутунлай бефойдадир. Ирқчилар билан музокаралар эмас, балки уларга қарши кенг қамровли иқтисодий жазо чоралари зарур. Африка миллий конгресси, бирлашган демократик фронт ҳамда Жанубий Африкадаги бошқа ташкилотларнинг таниқли арбоблари Лондон ЖАРга нисбатан ўз позициясини ўзгартириб, апартеид режимига қарши жазо чораларини жорий этмагунча Британия министри билан учрашиш ниятида эмасликларини айтдилар.

**НАЙРОБИ**

Кения Жанубий Африка республикасидаги ирқчи режимга қарши ҳар томонлама ва мажбурий жазо чораларини қўлланиш тарафдоридир, — деди Найробида республика ташқи ишлар министри Элижа Мвангале, — бундай чоралар жаҳон ҳамжамиятининг апартеидни тугатиш ҳамда Жанубий Африка республикаси Намибияни оккупация қилиб туришини тўхтатиш учун сарфлаётган куч-ғайратларига самарали ҳисса бўлур эди.

**ЖЕНЕВА**

Женевадаги миллатлар саройида инсон ҳуқуқлари комитетининг 28-сессияси очилди. Унда давлатларнинг гражданлик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро битими юзасидан ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги докладлари кўриб чиқилади. Сессия қатнашчилари Чехословакия, Венгриянинг, Конго ва Тунис республикаларининг докладларини муҳокама қиладилар.

(ТАСС, 8 июль).

### Филиппиндаги воқеаларга доир

МАНИЛА, 7 июль. (ТАСС). Филиппин президенти Корасон Акино мамлакат жанубий районлари бўйлаб икки кунлик сафардан бугун эрталаб пойтахтга қайтиб келгач, унинг ҳукумати вазиятни тўла контрол қилиб турганлигини айтди. Акинонинг гапларига қараганда, у ҳукуматга содиқ бўлган қуролли кучлар қўмондонлигига пойтахтдаги «Манила» меҳмонхонасини эгаллаб олган собиқ президент Фердинанд Маркос тарафдорларини яккалаб қўйиш ҳақида кўрсатма берган.

Яқинда бўлиб ўтган сайловларда номзоди вице-президент лавозимига овозга қўйилган Артуро Толентино бошчилигидаги Маркосга содиқ сиёсий арбоблар ҳокимиятни эгаллаб олишга уринган эдилар. Филиппин пойтахти марказида бўлиб ўтган навбатдаги митингдан сўнг Толентино собиқ президентга содиқ қолган бир неча юз ҳарбий хизматчи соқчилигида бир группа тарафдорлари билан «Манила» меҳмонхонаси биносига ўтди, бу ерда уни Филиппин президенти вазифасини бажарувчи ва янги маъмурият бошлиғи деб эълон қилинди.

Акино пойтахтга қайтиб келгач, дарҳол қуролли кучлар қўмондонлиги ва миллий мудофаа министрлиги билан кенгашиб олиш учун президент саройига йўл олди.

Филиппин ҳукуматининг аҳволи «жуда мустаҳкам» деди миллий мудофаа министри Энриле журналистлар саволларига жавоб қайтариб. Илгари фитначиларни қўллаб-қувватлаган аскарларнинг кўпчилиги ўзларининг алданганликларини айтиб, бугун эрталаб «Манила» меҳмонхонасидан чиқиб кетдилар.

### Ҳиндистон Ҳинд океандаги базаларга қаршидир

ДЕҲЛИ. 8 июль. (ТАСС). Ҳиндистон Маврикийнинг бу давлатга Чагос архипелагини қайтариш ҳақидаги талабини қўллаб-қувватлайди. Архипелаг Чагоснинг таркибий қисми бўлган Диего — Гарсиа ороли билан биргаликда қайтарилиши лозим, — деди Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди ана шу мамлакатга икки кунлик сафаридан қайтиб келгач, пойтахтдаги аэропортда ўтказилган матбуот конференциясида. У Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш мақсадида шу район хусусида яқин орада халқаро конференция ўтказиш тарафдори эканлигини айтди.

Ҳиндистон матбуоти шу муносабат билан Буюк Британия Маврикий мустақилликка эришишдан сал илгари Чагос архипелагини қонунга хилоф тарзда юлиб олганлигини эслатиб ўтмоқда. Кейинчалик Англия ҳукумати Диего-Гарсия аҳолисини кўчириб кетди. Оролнинг ўзини эса АҚШнинг ядро базасини яратиш учун Пентагонга топширди. «Ҳинд океани районида Америка ва Англия ҳарбий базаларининг бўлиши БМТнинг ана шу регионни тинчлик зонасига айлантириш ҳақидаги декларациясига зиддир», деб ёзди бугун «Ҳиндустан Таймс» газетаси. Диего-Гарсиянинг ядро базасига айлантирилиши Ҳинд океани ҳавзасидаги ҳамма мамлакатларга таҳдид солади.



**Бу кишининг исми Жеймс. У Калифорниядаги Лос-Анжелес шаҳри кўчалари ва хиёбонларида истиқомат қилади. Тунларни картон коробкасида ўтказади, бутун кун бўйи эса бир бурда нон излаб юради. Америкада тақдири шундай кишилар жуда кўп. Уларнинг сони 5 миллион нафардан ҳам ошиб кетган. Бу кишиларнинг ўз она-Ватанида на иш жойи бор, на бошпанаси.**

АП—ТАСС фотоси.

